

Ансорийлар

09:50 / 11.11.2017 6235

Абу Саид Саъд ибн Молик ибн Синон ал-Худрий розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

Ансорийлардан бўлган кишилар Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан (нарсалар) сўрашди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам уларга (сўраган нарсаларини) бердилар. Кейин яна сўрашди. Уларга бердилар. Ҳатто ҳузурларидаги бор нарса тугади. Уларга барча нарсани қўллари билан инфоқ қила туриб: **«Ҳузуримда бирор яхши нарса бўлса, мен сизлардан дариғ тутмайман. Кимки (тамаъдан йироқ бўлиб) ўзини иффатли тутса, Аллоҳ уни иффатли қилади. Кимки ўзини ҳожатсиз қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилиб қўяди. Кимки бардошли бўлса, Аллоҳ уни ҳақиқий сабрли қилиб қўяди. Бирор кишига сабрдан кўра улуғ ва яхши нарса берилмайди»**, дедилар.

Муттафақун алайҳ.